

# ПРОПАН ГАЗ СУЮҚЛИГИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТҮҒРИСИДА ШАРТНОМА № 8

2022 йил «19» январь

Қоракүл шахри

“Мехр“ МЧЖ (ташкilot, корхона номи) (кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб юритилади) номидан ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи ЮБекмуродов (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва Коракул давлат ўрмон хўжалиги (корхона, ташкilot, муассаса номи), (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) номидан ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Э.Тошев (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани кўйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1.«Таъминотчи» «Истеъмолчи»га пропан газ суюқлигини бўйича 2022 йилга ажратилган ресурс имкониятлари ва «Истеъмолчининг талабномасида кўрсатилган эхтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Тузилган спецификация ва график шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.2. Тўловлар «Истеъмолчи»нинг 2022 йилги хўжаликни ривожлантириш сметасида ажратилган маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

1.3 Шартноманинг умумий суммаси **3 200 000.00 сўм** (уч миллион икки юз минг) сўмни ташкил қиласди. Шартноманинг суммаси пропан газини етказиб бериш нархлари, пропан газ суюқлигини ташиб билан боғлик темир йул ҳаражатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ва Молия вазирлиги қарорига асосан ўзгартирилганда ёки газ суюқлиги таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда қайта кўриб чиқилади.

## 2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1.Газ суюқлиги «Истеъмолчи»га ажратилган ресурс доирасида, «Истеъмолчи» тақсимотига кўра ўз транспортида, марказлаштирилган тарзда, «Транзит» билан ёки ёқилғи кўйиш шахобчаларидан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибида (кераклисини ости чизиб қўйилсан) етказиб берилади.

2.3.«Истеъмолчи» газ суюқлигини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда газ суюқлигини ташиб кетишига қўйиладиган барча талабларга риоя қилишни ўз зиммасига олади.

2.4.«Таъминотчи» омборига махсулот қўйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар махсулот қўйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларнинг бўш бориб келиши учун қилинган ҳаражатлар «Истеъмолчи» зиммасига тушади.

2.5.Газ суюқлиги қўйилган автоцистерналар («Истеъмолчи»нинг автотранспортида олиб кетиши ҳоллари бундан мустасно) «Таъминотчи» ёки унинг бўлимлари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (1540-84 давлат стандарти) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш «Истеъмолчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.6. Газ суюқлиги «Таъминотчи» транспорти билан ташилганда транспорт ҳужжатларида транспорт хизматининг ҳақи ҳам кўрсатилади.

2.7. «Таъминотчи» махсулот йўқлиги сабабли махсулотни тўла бермаган тақдирда, берилмай қолган махсулот миқдорини (лимити) кейинги даврда етказиб бериши шарт Агарда махсулоти етказиб берилмаганлиги «Истеъмолчи»нинг зарар кўришига олиб келса, «Таъминотчи» кўрилган зарарни тўлайди.

## 3. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1.Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади.

3.2.«Истеъмолчи» олаётган пропан газ суюқлиги учун ҳар ой олдиндан тulos:

- пропан учун 100 фоиз;

-дизел ёқилғиси учун 100 фоиз миқдорида 2022 йил 31 марта гача амалга оширилади.

3.3.”Истеъмолчи” томонидан тўловлар ҳар ойда, илова қилинган графикка асосан, ҳаражатлар сметасида ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

3.4.«Таъминотчи» газ суюқлигини «Истеъмолчи»га махсулотни юклаш пайтидаги улгуржи нархда сотади, бунда корхона устама нархи ва темир йул ҳаражатлари ҳисобга олинади.

3.5.газ суюқлигининг нархи, темир йул ҳаражатлари ва корхонанинг устама нархи ўзгарган тақдирда ушбу шартнома ва спецификацияга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

## 4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Газ суюқлигининг миқдори ва сифати бўйича «Истеъмолчи» «Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини миқдор (П-6) ва сифат (П-7) жихатидан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида